O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 7 APREL ◆ SHANBA ◆ № 43 (26.745)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2-5 апрель кунлари расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Президентимизнинг Германияга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида ва ватанимизга қайтаётиб самолётда берган интервьюларида мамлакатимиз раҳбарларининг хорижий давлатларга буюраётган расмий ташрифлари моҳиятида муҳим ўзгариш юз берганини таъкидлади. Хўш, бу ўзгариш нимадан иборат? Илгари хориж сафарига чиқилганида мақсад, асосан, Ўзбекистонни танитиш, у ҳақда маълум таассурот уйғотиш, иқтисодиётимизга сармоя киритиш учун чет эл ишбилармонларини юртимизга чорлашдан иборат бўлар эди. Германия сафари бу жиҳатдан бирмунча фарқ қилди.

— Бугунга келиб жаҳон ҳамжамияти мамлакатимиз ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиб улгурди, — деди давлатимиз раҳбари. — Биз хорижий ташрифларда бўлиб, катта-катта анжуманларда қатнашиб, Ўзбекистонга, унинг очилмаган имкониятларига нисбатан чет элларда катта қизиқиш уйғота олдик. Бу борада олиб борган ташқи сиёсатимиз анча самарали бўлди. Хорижий давлатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларимизнинг тобора мустаҳкамланаётгани ҳам бунда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимизнинг бу фикри Берлин ва Дрезденда ўтган кўпдан-кўп мулоқотларда ҳам ўз исботини топди. Ислом Каримовнинг ГФР давлат ва ҳукумат бошлиқлари, раҳбариятидаги энг нуфузли сиёсатчилар билан учрашувлари эса уларнинг Ўзбекистонни минтақамиздаги муҳим ҳамкор сифатида билишини яна бир бор исботлади. Давлатимиз раҳбарининг Федерал президент Йоҳаннес Рау, Федерал канцлер Герҳард Шрёдер, Бундестаг раиси Волфганг Тирзе, вице канцлер, федерал ташқи ишлар вазири Йошка Фишер, федерал ички ишлар вазири Отто Шили, федерал иқтисодиёт ва технология вазири Вернер Мюллер каби нуфузли сиёсатчилар билан учрашувлари, сўзсиз, юртимизга бўлган улкан қизиқиш ва эътиборнинг белгисидир. Айтмоқчимизки, бир сафар давомида, нафақат бугунги Германия сиёсатида, балки Европада катта нуфузга эга бундай арбоблар билан мулоқот ўтказиш ва кўплаб масалалар бўйича якдилликка эришишнинг ўзини ташрифнинг муваффақияти, деб баҳоласа бўлади.

Президентимизнинг Германия федерал вазирлари билан ўтказган музокараларига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ташқи ишлар вазири Йошка Фишер билан мулоқот Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсати дунё миқёсида қўллаб-қувватланиши, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликнинг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилса, ички ишлар вазири Отто Шили билан музокара халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик, наркотикларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда Германиядек нуфузли шерикка таяниш имкониятини беради. Иқтисодиёт ва технология вазири Вернер Мюллер ва иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт вазирлигининг давлат котиби Эрих Штатер билан мулоқотлар эса мамлакатимизга илғор немис технологияси кириб келиши, иқтисодий ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши учун янада кенгроқ йўл очади. Шунингдек, Германиянинг Европа Иттифоқидаги нуфузли ўрнини ҳисобга олиб айтганда, бу сафар мазкур тузилма давлатлари билан ҳам ҳамкорлик алоқаларининг сезиларли кенгайишига хизмат қилади.

Ислом Каримов Тошкент ва Берлин шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон — Германия муносабатларининг муҳим бўғини эканини алоҳида қайд этди. Берлиннинг бошқарувчи бургомистри Эберхард Дипген билан учрашувда мана шу алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Шуниси диққатга сазоворки, икки давлат пойтахтларининг ҳамкорлиги бугун нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-маданий соҳаларни ҳам тобора кенгроқ қамраб олмоқда.

Берлинда Ўзбекистон элчихонаси янги биносининг очилиш маросими юртимизнингина эмас, Германия ҳаётида ҳам катта воқеа бўлди, дейиш мумкин. ГФР пойтахти Бонндан Берлинга кўчирилгач, бу ерда бирин-кетин хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари очила бошлади. Бироқ уларнинг барчасининг ҳам очилиш маросими Ўзбекистоннникидек тантанали кечгани йўқ. Тадбирда икки юзга яқин меҳмон қатнашди ва улар орасида ГФР Бундестагининг йигирмадан ортиқ депутати, кўплаб федерал вазирлик раҳбарлари бор эди. Соғлиғи унчалик яхши эмаслигига қарамай, Германиянинг собиқ Федерал президенти Роман Ҳерцог ҳам бу маросимда иштирок этди.

Элчихона биносидаги безаклар, ҳақиқатан ҳам, кишини лол қолдирадиган даражада чиройли ишланган. «Усто» бирлашмасининг қўли гул ҳунармандлари томонидан деворларга ишланган паннолар кўпчилик меҳмонларни ҳайратга солди. Ислом Каримов Европанинг шундай бир сўлим, нуфузли гўшасида бу қадар гўзал иншоот бунёд этиш катта иш эканини алоҳида таъкидлади. Бу Ўзбекистоннинг маданиятини, салоҳиятини, бугунги нуфузини намойиш қиладиган бинодир, деди Президент.

Немис ишбилармонлари билан мулоқотлар ташриф дастурининг муҳим қисмларидан бири бўлди. «Даймлер-Крайслер»нинг Берлиндаги бош қароргоҳида Ислом Каримов немис бизнес оламининг етакчи вакиллари билан учрашди. Бу тадбир Германия иқтисодиёти шарқий қўмитаси томонидан ташкил этилди. Бу қўмита Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Учрашувда Президентимиз йиғилганларга Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, хомашё заҳиралари, улардан фойдаланиш имкониятлари тўғрисида гапириб берди.

Ўзбекистонда мавжуд минерал хомашё заҳиралари, америкалик экспертларнинг ҳисоб-китобига қараганда, 3,3 триллион АҚШ долларни ташкил этади. Ислом Каримов немис ишбилармонларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, кимё ва тоғ-кон саноати, коммуникация тармоғи бўйича ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

— Бугун биронта немис фирма ёки компанияси Ўзбекистоннинг ўз зиммасига олган мажбуриятини бажармагани, ўзаро ҳисоб-китобларда ноқобиллик қилгани тўғрисида эътироз билдира олмайди, — деди давлатимиз раҳбари. — Минтақамиздаги баъзи мамлакатларда бундай келишмовчиликлар юз берганини яхши биламиз. Шу сабабли фахр билан айта оламанки, бирор хорижий компанияни, айниқса, ўзимизнинг ишончли ҳамкоримиз деб билганларни ҳеч қачон ноқулай ҳолда қолдирмаганмиз, қолдирмаймиз ҳам.

Шу ўринда эътиборга сазовор бир воқеани эсламай бўлмайди. Ислом Каримов билан мулоқот бошида немис ишбилармонлари ўзбекистонлик талабалар учун иккита стипендия жорий этишларини маълум қилди. Аммо учрашув давомида Президентимизнинг самимий мулоқотга киришиб кетгани, ишбилармонларда ўзига, мамлакатимизга бўлган ишончни янада оширишга эришгани сабабли бу стипендиялар сони ўнтага етди. Бундай ҳолни Саксониядаги учрашувда ҳам кузатдик. Дастлаб иккита бўлган стипендиялар сони мулоқот охиригача 15 тага бориб қолди. Бу, биринчидан, давлатимиз раҳбарининг самимий суҳбати дарҳол амалий натижа берганидан даракдир. Иккинчидан, шу кичкина, бир қарашда арзимасдек туюлган мисоллар орқали немис ишбилармонларининг Ўзбекистонга ишончи янада мустаҳкамлангани, бу эса келажакда иқтисодиётимизга катта ҳажмда сармоя киритилиши учун замин яратганини кўрсатади. Қолаверса, энди Германияда таълим оладиган ўзбек ёшларининг сони янада ошади.

Давлатимиз раҳбари Саксония федерал ерига бежиз ташриф буюрмади. Саксония Ўзбекистон билан Германия савдо-сотиғида муҳим ўрин тутади. Яъни, бу алоқаларда 30-35 фоиз улуш айнан мазкур федерал ер ҳиссасига тўғри келади.

1990 йилда икки немис давлати бирлашгандан сўнг янги федерал ерлар ташкил этилди. Саксония шулардан бири ҳисобланади. Унинг аҳолиси 4,7 миллион киши, майдони эса 18,338 квадрат километрдир. Саксония янги ерлар орасида саноатлаштириш даражаси энг юқорилиги билан ажралиб туради. Федерал ер маркази Дрезден шаҳри ниҳоятда гўзаллиги учун «Элба бўйидаги Флоренция», «Бароккo маржони» каби таърифларга сазовор бўлган.

Илгари хабар берганимиздек, Ислом Каримов «Сименс» гуруҳининг «Инфинеон технолоژис Дрезден» тармоқ корхонаси билан танишди. Бу ерда, асосан, компьютерлар, принтерлар ва бошқа замонавий ускуналар учун чиплар ишлаб чиқарилади. Таъкидлаш жоиз, дунёда бу ердагидан ташқари, фақат «Майкрософт» ва «Самсунг» корпорацияларигина шундай юксак технология маҳсулоти ишлаб чиқаради.

— Бу ерга томоша учун, ҳайратланиш учун келганимиз йўқ, — деди Президент. — Мақсад бу корхона маҳсулотини Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, компаниянинг юқори технологиясини юртимизга киритишдир.

Давлатимиз раҳбарининг айтишича, бизда бундай маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш нисбатан осон кечади. Чунки Ўзбекистонда бу борада керакли мутахассислар тайёрловчи махсус олий ўқув юртлари бор.

Германияга ташриф давомида ўн тўртта ҳужжат имзоланди. Улар молия, сайёҳлик, фан-техника, наркотиклар контрабандасига қарши кураш каби соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришни назарда тутади. Ҳужжатлар орасида, айниқса, сайёҳлик соҳаси бўйича имзоланган ҳужжатлар анчагина. Улар Ўзбекистонга сайёҳлар оқимининг кўпайишида, соҳа бўйича немисларда тўпланган тажрибани ўрганишда жуда қўл келади. Молиявий ҳамкорлик соҳасидаги бир неча келишув эса кредитлар олиш, турли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Сўнгги юз йилдан ортиқроқ вақт ичида Ўзбекистон иккинчи уйғониш даврини бошидан кечирмоқда. XIX аср охири — XX аср бошларида жадидлар ўзбек ёшларини хорижда, жумладан, Германияда ўқитишга ва маърифатини оширишга уринган эди. Аждодларимизнинг бу саъй-ҳаракати чор мустамлакаси зулмидан эзилаётган халқнинг қаддини тиклашга бўлган улкан интилиш эди.

Истиқлол эса халқимиз тарихидаги янги уйғониш даврини бошлаб берди. Бироқ бугал биз мустақиллик берган имконият ўлароқ миллатимиз қаддини тиклаш, юртимизни жаҳоннинг ривожланган давлатлари сафидан жой олиши учун жуда кенг кўламдаги ишларни амалга оширяпмиз. Улар сиёсий, ижтимоий, маданий, иқтисодий, қўйингки, ҳаётдаги барча соҳаларни қамраб олган. Биз дунёнинг кўплаб ривожланган давлатлари қатори Германия билан ҳам муносабатларимизни юксак поғоналарга кўтаришга ҳаракат қиляпмиз. Ислом Каримовнинг Германия Федератив Республикасига мазкур учинчи ташрифи эса ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичи бошланаётганидан далолат беради.

■ **Анвар КАРИМОВ,**
ЎзА махсус мухбири
Тошкент — Берлин — Дрезден — Тошкент

***

Суратда: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГФР Федерал канцлери Герҳард Шрёдер билан.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Карпаторти вилояти давлат маъмурияти ва вилоят кенгаши ўлкамизда 2001 йил март ойида юз берган тошқин туфайли зарар кўрган аҳолига кўрсатилган тезкор ёрдам учун Сизга самимий миннатдорлик изҳор этади.

Кўрсатган мурувватингиз ўлка аҳолиси ҳамжиҳатлиқда табиий офат оқибатларини бартараф этишидан далолат беради.

Ҳамкорлик учун миннатдорлик билдирамиз.

Эҳтиром ила,

В.И.БАЛОГА,
Вилоят давлат маъмурияти раиси,
И.В.ИВАНЧЕНКО,
Вилоят кенгаши раиси

ҚОНУНЛАРГА БУЮК ПОЙДЕВОР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

Ўзбекистон халқи ҳуқуқий давлат ва демократик жамият барпо этаётган бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жиҳатларини тартибга солиб турувчи қонунларни билиш ҳар қачонгидан муҳим.

Мамлакатимиз ривожланиш истиқболлари ҳақида сўз юритар экан, Президент Ислом Каримов ҳар ким ўз ҳуқуқларини билиши, ҳимоя қилиши учун аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш нечоғли муҳим эканлигини ҳар доим эслатиб келадилар.

Шарқнинг буюк донишманди Алишер Навоий «адолатли шоҳ» ва «одиллик жамияти» ҳақида фикр юритаркан, инсоннинг маънавий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларини ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам билмаслиги ёвузликлар ва ноҳақликлар келиб чиқишига майдон яратади, дейди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини билиш ва унга риоя этиш учун Асосий Қонун саҳифалари бўйлаб машаққатли, аммо ҳар бир инсон учун ниҳоятда муҳим ва зарур «саёҳат»га чиқиш керак. Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари хусусида муфассал ва аниқ мисолларда кишиларга, хусусан, ёш авлодга Президент Фармойишига асосан жонли ҳикоя қилиб бериш керак.

Конституция матни худди бошқа қонунларники сингари ҳуқуқшуносларга хос профессионал тилда ёзилган. Матнда жаҳон амалиётида қабул қилинган юридик тушунчалар ва атамаларга ҳам дуч келинганда теварақдаги ҳаётдан мисоллар келтириб ўтиш, бошқа мамлакатлар конституциялари билан қиёслаш керак. Яъни, расмиятчиликдан қочиш лозим.

Конституция асосларини ўрганиб қонун йўл қўядиганларини тақиқланганларидан фарқлашни билиб оламиз, ўз ҳуқуқ ва манфаатларимизни ҳимоя қилиш усуллари ва воситаларини яхшироқ биладиган бўламиз, муҳими, агар қонунга риоя этган ва умум қабул қилинган ахлоқ меъёрларидан бир қадам ҳам чекинмаган ҳолда иш тутилганида адолат ҳамиша тантана қилишига комил ишонч ҳосил қиламиз.

Конституция билан танишиш асосида ҳар бир инсон ҳаётида юзага келадиган муаммоларнинг кўпчилигини қонунчилик ёрдамида ҳал қилиш мумкинлигига ишонч пайдо бўлади. Тағин инсон хатти-ҳаракатларининг ахлоқий меъёрлари, унинг ахлоқий-маънавий фазилатлари — виждон, ор-номус, ўз қадр-қиммат ҳисси ва ҳоказо тушунчалар ҳам мавжуд. Булар ҳуқуқий маърифат — ҳуқуқий маданиятнинг қўшимча унсурларидир, яъни ҳуқуқ инсонга ҳавола этадиган барча ижобий ва қимматли нарсаларни ўзлаштиришдир. Ахлоқий фазилатлар ва ҳуқуқий билимлар мажмуи юксак ҳуқуқий маданият асосини ҳам таркиб топтиради. Аммо кўр-кўрона қонунга итоаткорлик — жамиятга зарур бўлган нарса дегани эмас. Конституциявий принциплар ўз-ўзича ҳуқуқий давлатни яратиб бермайди. Ҳуқуқий давлатни қонунлар эмас, балки одамларнинг ўзлари, жамиятнинг ўзи барпо этади. Қонунларнинг аҳамияти эса жамият барпо этишнинг ҳуқуқий негизи бўлиб хизмат қилишидадир.

Теварак атрофимиздаги ҳаёт янада покиза, чароғон ва адолатли бўлиши ўзимизга боғлиқдир. Қўлни қўлга бериб, елкама-елка турсак, она-Ватанимизни ҳуқуқий давлатга, бахтиёр ва гуллаб-яшнаган мамлакатга айлантира оламиз.

■ **Жовли ТУРСУНОВ,**
тарих фанлари номзоди, доцент

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида Андижон вилоят прокуратураси Шаҳрихон туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказди.

Саъй-ҳаракатлар давомида 332 ўсмир касбга йўналтирилиб, ишга жойлаштирилди. Ўсмирлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар изчил, янгича тарзда ташкил этилаяпти.

Шаҳрихон шаҳар маданият саройида ёшлар, ота-оналар, маҳалла, қишлоқ фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчилик вакиллари иштирокидаги йиғилишда ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Унда бажарилган тадбирларни санашдан кўра ижобий натижалар мустаҳкамланиши учун аниқ таклиф, мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилиш янгича тарзда амалиётга боғланганлиги учун кўпчиликнинг эътиборини қозонди. Ёшлар шу ернинг ўзида туман меҳнат бандлиги, касаба уюшмаси ҳамда ишга олувчи корхона вакиллари иштирокида қатор жамоалар билан меҳнат шартномаси тузидилар.

■ **Аҳмадулло СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҚАШҚАДАРЁ БЕЛНИ БОҒЛАДИ

Умр асли кураштир. Ўтган йили қашқадарёликлар зўр меҳнат қилишди. Бироқ, сувсизликдан экинлар қуриб, чамадаги дон ва пахта ҳосилини олиб бўлмади. Сувни тежаган, ишни эплаганлар озмунча эмасди. Бугун уларнинг тажрибаси кенг ёйилмоқда.

Биринчидан, ғалла ниҳоллари кўзни қувонтиради. Расамади билан сув қўйиб, ҳатто ўтоқ қилишмоқда. Бу йил 420 минг тонна пахта 179 минг гектар ерда етиштирилади. Вилоят тарихида мисли кўрилмаган воқеа юз берди: 4 апрель куни Қамаши, Китоб, Чироқчи, Шаҳрисабз ва бошқа кўпгина туманларда чигит экиш тугалланиб, айрим майдонларда униб чиққан ниҳолларга ишлов берила бошланди. Хусусан, илк бор 5 минг гектар ерга чигит плёнкалар остига экилди. Шундан 1600 гектарини Шаҳрисабз ва 1100 гектарини Китоб тумани пахтакорлари экишди. Ҳуллас, умид ўлмасин, умид яшасин! Олим деҳқон, оқил деҳқон бўладиган замонлар келди. Тоғдай хирмон кўтаришга чоғландингми, белни маҳкам боғла, Қашқадарё!

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ВАЗИЯТ ФАОЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Яқинда Миллий матбуот марказида «Экосан» халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат ветеринария бош бошқармаси ҳамкорлигида оқсил касаллиги тарқалишининг олдини олиш, профилактика ишларини бажаришга қаратилган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда шулар аён бўлдики, оқсил касаллигини бартараф этишда маълум бир мамлакатни изоляция ҳолатига келтиришнинг ўзи етарли эмас. Бу борада қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаш зарур. Чунки, оқсил ҳайвонларга сув, ўт, емиш орқали жуда тез юқади. Бу борада республикамизга келтирилаётган гўшт маҳсулотлари, шунингдек, чорва ҳайвонлари тўхтатиб қолинганлиги ҳақида ва чегараларда қаттиқ назорат ўрнатилганлиги, бункерпостлар ташкил этилганлигининг аҳамиятини инкор этмаган ҳолда шуни айтиш керакки, оқсил билан курашишда кўпроқ фуқароларнинг онгли иштироки зарур. Давлат эпидназорат Департаменти раҳбари Нурмат Отабековнинг айтишича, мамлакатимиз ичкарисида, хусусан, гўшт комбинатлари, бозорларни текшириш мобайнида санитария ҳолатларига риоя қилинмаётгани, бу қоидалар бузилаётгани кузатилган. Бу, албатта, ташвишли ҳолат.

Шунингдек, Н. Отабеков томонидан айтилган яна бир фикрни таъкидлаб ўтиш зарур. Маълумки, оқсил касаллиги одамлар учун унчалик хавф туғдирмайди. Аммо унинг иқтисодий зарари беқиёс. Бунга, хусусан, Европа мамлакатларини кузатиб гувоҳ бўлиш мумкин. Мамлакатимизда бу касалликни бартараф этиш учун қатор тадбирлар амалга оширилаяпти.

Касалликнинг, юқумли хасталикларнинг тури кўп. Бугун республикадаги ҳаракат, тадбирлар юқумли касалликларга қарши курашишни мувофиқлаштириш, яъни профилактик кураш нафақат оқсил, балки бошқа юқумли касалликларга қарши ҳам олиб борилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

■ **Абдумалик БОБОЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХДП ХАБАРЛАРИ

ХАЛҚ ШОИРИ БИЛАН УЧРАШУВ

2001 йилнинг 5 апрель куни, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллуд топган куннинг 60 йиллиги муносабати билан, шоирнинг ҳаёт ва ижод йўлига бағишланган, тадбир бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидаги партия фаоллари, ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси айрим аъзолари, партия марказий нашрлари ходимлари, адиблар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов, табрик сўзида, халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ўзининг қарийб, ярим асрлик ижодида Ватан муқаддаслиги ғоясини тараннум этаётганлигини, Ўзбекистон Давлат мадҳиясини яратиб, Ватанимиз шаънини дунёга таратаётганлигини таъкидлаб ўтди.

«Ватансевар, халқпарвар шоир, чинакам эрк куйчиси сифатида элга танилган, иймон-эътиқодли, виждони пок инсон — Абдулла Орипов нафақат республикамиз адабий ҳаракатининг сардори, истиқлол маънавиятини яратишга самарали улуш қўшаётган маданият арбоби, балки, партиямизнинг таниқли фаолларидан бири, Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси ва ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзоси, машҳур партиядошимиздир ҳам», — дейилади Марказий Кенгашнинг табрик хатида.

Шоирни, у таваллуд топган куннинг 60 йиллиги муносабати билан, «Экосан» халқаро жамғармаси раиси Юсуф Шодиметов, Ўзбекистон халқ шоири, «Мулоқот» журналининг бош муҳаррири Барот Бойқобилов, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Олий Мажлис депутати Ачилбой Раматов, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Латиф Фуломов, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби Сирожиддин Аъзамов, «Янгийўл ёғмой» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати Маҳаммаджон Худоёровлар самимий табрикладилар.

Учрашувда «Истиқбол» ёшлар клуби аъзолари шоир шеърларидан намуналар ўқидилар.

Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Икромжон Бўронов, хонандалар Ҳуррият Исроилова, Абдуллажон Раҳимжонов, Нодирбек Лутфуллаев, Анвар Санаевлар томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар учрашув иштирокчиларига манзур бўлди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

***

■ **Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар**

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРТИЯ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг навбатдаги IV пленуми бўлиб ўтди. Пленумга шаҳар ва туманлар партия кенгашлари котиблари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, бошқармалар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф қилинди.

Пленумда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқи ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг III пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақидаги, масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг биринчи котиби А. Асанов маъруза қилди.

Шунингдек, пленумда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ижроия бюросининг 2000 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги депутатлик фракциясининг фаолияти ҳақидаги ахборот, 2000 йилда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти бюджетининг бажарилиши ва унинг 2001 йилги асосий кўрсаткичлари ҳақидаги ва бошқа масалалар кўрилди ва муҳокама қилинди.

Пленумда Қорақалпоғистон Республика Жўқорғи Кенгеси раиси Т. Камолов нутқ сўзлади.

Кун тартибидаги масалалар бўйича ХДП Мўйноқ туман кенгаши биринчи котиби Н.Асанов, Элликқалъа туман партия кенгаши биринчи котиби Ш. Кенжаев, Қорақалпоғистон ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи М. Фаниев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазалари билан сўзга чиқдилар.

Пленумда, муҳокама қилинган масалалар юзасидан, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум ишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси А. Тожиев, Қорақалпоғистон Республика касаба уюшмалари кенгаши раиси Б. Юсупова қатнашдилар.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК!

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши пленумида вилоят ташкилотининг, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши III пленуми қарорларини бажариш бўйича, вазифалари, ташкилотнинг 2000 йил бюджети ижроси ҳамда 2001 йилги бюджети лойиҳаси, шунингдек, партия фаолиятига оид, қатор бошқа масалалар муҳокама қилинди. Вилоят партия ташкилотининг биринчи котиби А. Эгамбердиевнинг, шу масалаларга бағишланган, маърузасида бу борадаги ютуқ ва камчиликлар, келгуси режалар батафсил таҳлил этиб берилди.

Маъруза юзасидан музокараларда қатнашган Бешариқ туман ва Қувасой шаҳар партия кенгашлари биринчи котиблари А. Ёқубов, Т. Илёсов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати М. Ҳайдаров, Тошлоқ туман марказий шифохонаси бош ҳакими ўринбосари С. Каримов, Олтиариқ туманидаги 20-ўрта мактаб директори А. Ҳасановлар, ЎзХДП ташкилотларидан давлат ҳокимияти турли даражадаги вакиллик идораларига сайланган депутатлар билан партия кенгашларининг ҳамкорлиги, партия ташкилотларининг сиёсий-мафкуравий фаолиятини кенгайтириш, уларнинг молиявий аҳволини яхшилаш юзасидан, чуқур асосланган, ошкора фикр-мулоҳазаларни билдирдилар.

Пленумда, кўрилган масалалар юзасидан, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби А. Рустамов сўзга чиқди.

***

Шу куни, Фарғона вилоят кенгашида, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига ХДПдан сайланган депутатлар, туман, шаҳар партия кенгашлари биринчи котиблари иштирокида, семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби А. Рустамов халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг иши, уларнинг партия кенгашлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш хусусида маъруза қилди. Мазкур, очиқ мулоқот тарзида ўтган, тадбирда, гуруҳлар ишини фаоллаштириш, депутатларнинг партия кенгашлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича, маърузачи ва иштирокчилар томонидан, фойдали фикрлар билдирилди, керакли тавсиялар берилди.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТУҒИЛГАН КУН

УЛУҒ БУНЁДКОР

Инсоният босиб ўтган бир неча минг йиллик тарихнинг кўрсатишича, давлат тараққиётида буюк даҳолар, давлат арбобларининг хизматлари беқиёсдир.

Аммо, инсоният тараққиётини батамом янги йўналишга солиб юборишга қодир даҳолар тарихда ниҳоятда кам учрайди. Таваллудининг 665 йиллиги нишонланаётган Соҳибқирон Амир Темур шундай улуғ даҳолардандир.

Зардушт, Будда, Исо Масиҳ ва Муҳаммад алайҳиссалом каби пайғамбарлар инсониятга имон-эътиқод беришиб, уларнинг онгларида катта ўзгаришлар ясаган бўлсалар, Александр Македонский, Юлий Цезарь, Амир Темур каби давлат арбоблари бир неча халқлар, мамлакатларни ягона салтанатга бирлаштириб, қудратли давлат яратганлар.

Дунёнинг уч қитъаси: Осиё, Европа ва Африкада сиёсат юргизган Амир Темурнинг чекига ниҳоятда мушкул вазифа тушган эди. Тақдир унга бир ярим аср мобайнида мўғуллар истибдодидан ва зулмидан ҳар томонлама пароканда бўлган шавкатли Туроннинг қаддини кўтариш, уни дунёнинг қудратли давлатига айлантиришни лойиқ кўрган эди.

Соҳибқирон Турон юртни батамом мўғуллар истибдодидан халос қилгач, зулук билан бир неча асрлик анъаналарга эга бўлган ўзбек давлатчилигини қайта тиклади. У нафақат давлатчиликни тиклади, балки унга янгича жило, руҳ, нафас ато этди. Соҳибқирон бир неча асрлик тарихга эга бўлган давлатчилик анъаналари, тартиб-қоидаларини синчиклаб ўрганиб, шариат қонунлари ва ислом ҳуқуқшунослиги қоидаларига асосланиб, давлатни бошқаришнинг мукаммал тартиб-қоидаларини барпо қилди. Соҳибқирон ўша давр учун янги бўлган давлат бошқарув усулини яратди, ҳокимиятни икки тармоққа, яъни қонун чиқарувчи (даргоҳ) ва ижроия (девон) қилувчи тармоқларга бўлган эди.

Ўткир сиёсатчи, зукко дипломат, моҳир давлат арбоби бўлган Амир Темур томонидан амалга оширилган бу тадбирлар салтанатни ҳар томонлама қудратли бўлишига олиб келган эди. Бу борада рус ҳарбий тарихчиси Д. Логофетнинг ҳали Европа конституция ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган даврда, Амир Темур ўз давлати, халқи ва ворисларига «Тузуклар»ни яратиб берган эди, деган фикрлари эътиборлидир. Шунингдек, Логофет шу бугунги кунда ҳам бутун дунёда кенг жорий қилинган даромад солиғини ўз даврида Амир Темур ихтиро қилганлигини таъкидлаган эди.

Соҳибқирон давлатнинг тараққиёти ва халқнинг маънавияти, онгини оширишда, фаровонлигини таъминлашда илм-фаннинг, санъат ва маданиятнинг аҳамиятини яхши англаганлиги учун бу соҳаларга катта ғамхўрлик қилган эди. Шу сабабли ҳам Амир Темур даврида тарихшунослик, адабиёт, фалакиёт илмлари жуда тараққий этди. Бу даврда, айниқса, мусаввирлик ўта ривожланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Барча даврлар олимларининг якдиллик билан тан олишларича, Амир Темур даврида айниқса, шаҳарсозлик ва меъморчилик ўзининг энг юксак чўққиларига кўтарилган эди. Мўғуллар даврида вайрон бўлган Самарқанд, Шаҳрисабз, Бинокент шаҳарлари бош режа асосида қайта қурилди.

Тошкент, Ясси (Туркистон), Термиз, Самарқанд, Шаҳрисабз каби шаҳарларда улуғвор саройлар, мадрасалар, масжидлар, мақбаралар, карвонсаройлар барпо қилинди. Бу иншоотларнинг тарҳларини шахсан Соҳибқироннинг ўзи кўздан кечирган, ёқмаган жойларига ўзгартиришлар киритган. Фақат шундан сўнггина қурилиш ишлари бошланган. Амир Темур ва Темурийлар даврида Ўрта Шарқда барпо қилинган меъморчилик иншоотлари жаҳон меъморчилигида ҳам алоҳида ажралиб турарди.

Амир Темур даврида Туронда барпо қилинган маҳобатли меъморчилик иншоотлари, антик ва илк ўрта асрларда аждодларимиз томонидан Сўғдиёна, Хоразм, Бақтрия ва қадимги Шошда бунёд қилинган бетакрор саройлар ва кўшкларнинг қайта, янгича қиёфада туғилиши эди, десак муболаға бўлмайди.

Амир Темур салтанатининг пойтахти бўлган Самарқандда ўша даврнинг энг доигдор, машҳур олиму уламолари, меъморлари, усталари, мусаввирлари тўпланган эди. Шу сабабли бу ерда янги ғоялар туғилар, сўнгра улар амалга ошириларди. Бунинг натижасида Темурийлар Ренессанси — Уйғониш жараёни вужудга келган эди.

Соҳибқиронга тақдир шундай улуғ жараённи амалга оширишни раво кўрган эди. Сўнгра бу Ренессанс Турон доирасидан чиқиб худди қуёш нурларидек Эрон, Хуросон, Ҳиндистон каби давлатларга ҳам тарқалиб кетди.

Бугунги ўзбек халқи шундай буюк бунёдкор Амир Темурнинг авлоди эканлигидан ҳақли равишда фахрланадилар.

■ **Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, ЎзР ФА Археология институтининг етакчи илмий ходими**

ЁРУҒ КЕЛАЖАК САРИ



Бугун мамлакатимизнинг қай бурчагига боқманг замонавий коллежларга кўзингиз тушади. Бу кўркам ва ёруғ ўқув даргоҳларида эртамизнинг муносиб ворислари — ёшлар таълим олишмоқда. Яқинда чўлқуварлар шаҳри Янгиерда ҳам янги қурилиш касб-ҳунар коллежи қайта таъмирланиб, ёшлар ихтиёрига топширилди.

Айни пайтда бу ерда етти йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Талабаларга 3 фан номзоди, 20 нафар олий тоифали ва олтмишга яқин малакали ўқитувчилар билим бермоқда.

Коллежда талабаларнинг чуқур билим олиши, кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит муҳайё этилган. Унда 900 ўринли ўқув корпуси, спорт мажмуи, ўқув устахонаси, 400 ўринли ётоқхона ва 250 ўринли ошхона мавжуд. Ҳар бир хона Жанубий Кореядан келтирилган жиҳозлар билан безатилган. Улардан 3 таси эса тўлиқ компьютерлаштирилган.

Суратларда: *коллеж ҳаётидан лавҳалар.*

■ **Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

ОЧИҚ ГАПЛАР

«ОҒАЙНИЧИЛИК» УЗОҚҚА БОРМАДИ

ЁКИ

«ТОШКЕНТМАРМАР» ОТАЖ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Лойни шириб турли идишлар ясаётган кулолдан, ёғочга нақш ўяётган устадан кўра тошга қалб кўрини тўкаётган сангтарошнинг меҳнати машаққатлироқдек, назаримда. Шу боисдан ҳам Ҳазрат Навоий достонларида сангтарошлар, тошга нақш берувчи қўли гул усталарни кўпроқ мадҳ этгандек. Уларнинг ҳар бир ҳаракатига шеърий сатрлар-ла таҳсинлар айтгандек...

«Тошкентмармар» ҳиссадорлик жамияти бир пайтлар ойига 9 минг кубометр силлиқланган турли кўринишдаги мармар плиталарни ишлаб чиқарар эди. Айни кезда эса шунча миқдордаги мармар маҳсулотларини бир йилда аранг тайёрламоқда. Хўш, корхонада нега бунчалик орқага кетиш юз берди?

Корхона ишчи-хизматчилари билан суҳбатлашиб, муаммонинг туб сабабини бироз тоғгандек бўлдик, яъни шу жамият билан ишлашга «аҳд қилган» шериклар қаллоблик йўлини тутган ёки маҳсулот учун вақтида пул тўламаётган экан.

— Корхонамиз омборхонасида 27 миллион сўмлик тайёр маҳсулот тўпланиб қолган, — дейди ҳиссадорлик жамияти омбор мудири Тўрғун Турсинбоев. — Бундан маҳсулотга харидор йўқ экан, деб хулоса чиқарманг. Тўғриғи, маҳсулотимизни пул тўлаб олиб кетадиган харидор топилмаяпти. Тошилгани эса «зўрма-зўраки»ликка ўрганган. Харидорлар кўп, лекин пулига келганда...

— Ҳозирда ташкилотларда 12 миллион сўмлик маҳсулотларимизнинг пули турибди, — дейди бош муҳандис Муҳиддин Асадхўжаев. — Оқибатда ишчи-хизматчилар ҳанузгача йил бошидан маошларини олишганлари йўқ. Албатта, бундай шароитда ишчиларнинг ҳам ишдан кўнгли совиши тайин.

— Олдиндан уч сменада ишлардик, — дейди тош пармаловчи Асқар Мингбоев. — Айни кезда аранг бир сменада ишлаяпмиз. Ойлик маошларимиз ўз вақтида берилмаганлигидан сўнг, қийналаяпмиз. Мана беш киши ишлаймиз. Ҳар биримизнинг орзу-ҳавасларимиз бор. Аҳвол шундай кетаверса, касбимиз билан хайрлашишга тўғри келади...

— Қарийб ўн беш йилдан буён шу даргоҳда ишлайман, — дейди тош кесувчи Анвар Каримов. — Электр энергияни тез-тез ўчириб қўйишади. Бу эса ишимизга янада салбий таъсир этмоқда. Чунки ҳар гал электрни ёқишгандан сўнг улкан станокни юргизиб олишимизнинг ўзи анча вақтни олади. Корхонани, қолаверса, шу ерда меҳнат қилаётганларни ташкилот раҳбарлари нега ўйлашмайди? Бизга фақат шароит керак. Биз ўз маҳсулотларимиз билан юртимиз қудратига қудрат қўшишга тайёрмиз.

Корхонада ўтган йили режалаштирилган 100 миллион сўмлик ўрнига 68 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бунинг анчагина қисми омборхонада ётибди, сотилганларининг эса пулини ҳанузгача олишолмаган.

Бу ерда бўлганимизда корхонада ишнинг боришига тўғаноқ бўлаётган бир қанча ҳолатларга дуч келдик. Масалан, кейинги йилларда «Терек» қўшма корхонаси билан «Тошмармар» ҳамкорликда «ишлаган». Лекин халқимиз ибораси билан айтганда, икки томоннинг ҳам «косаси оқармаган». «Тош-мармар»нинг собиқ раҳбари Т. Ёқубов ва «Тошмармар»нинг бош ҳисобчиси, яъни «Терек» корхонаси раҳбарининг ўғли Камолиддин Музаффаровлар «Тош-мармар» корхонасига тегишли катта пул маблағини акция сотиб олиш учун деб «Терек» қўшма корхонасининг ҳисоб рақамига ўтказишган. Ваҳоланки, бу маблағни дивидендлар тўлаш ёки корхонанинг иқтисодий аҳволини тиклашга сарфлаш керак эди. Қолаверса, каттагина маблағ шу тариқа кўкка совурилган.

— Ўша кезларда бу уч «оғайни» Т. Ёқубов ва ота-бола Асомиддин ва Камолиддин Музаффаровлар жуда «иноқ»лигига барчанинг ҳаваси келарди, — дейди «Тош-мармар» ОТАЖ бошқаруви раиси Бахтиёр Ишмуҳамедов. — Улар орасидан ўтган «қора мушук» шамолни тескарига «эсдирди», шекилли. Бироқ шу нарса аниқки, ҳамон бу можаро корхонамизнинг иш фаолиятига ва ривожига ҳозирги кунда ҳам салбий таъсирини ўтказиб келаётир.

Яна бир мисол: шартнома шартларини бажармаслик қонунга зид эканлигини билсалар-да, нега маҳсулот олувчилар пинак ҳам қоқмаётганлигига ҳайрон қоласан. Бундайлардан Самарқанд шаҳридаги «Меъмор-96» деб номланган жамоа. У ҳам «Тош-мармар»дан олган маҳсулоти учун пулини ҳамон тўламаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Ахир, ишлар корхонада шу кетишда давом этса, Германиядаги «Хензел» фирмаси билан завод раҳбарияти тузган шартномалари тақдири нима бўлади?

— Бугун жамоада бор-йўғи 88 нафар киши қолди, — дейди Бахтиёр Ишмуҳамедов. — Ўзим ҳам қарийб ўттиз йилдирки шу ерда ишлайман. Агар аҳвол шу тариқа давом этаверса, корхонанинг эртанги куни қандай бўлади?

Раҳбар иш столидаги ўндан зиёд турдаги тошлар коллекциясига тикиламан. Бир-биридан гўзал. Завқ оласан киши. «Тош-мармар» ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқарган ва сотган маҳсулотига пулини ололмай ётса. Хуллас корхона тақдири билан ким қизиқади?

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



FERROSTAAL



FERROSTAAL

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг Германия Федератив Республикасига расмий ташрифини чин қалбдан муборакбод этади ва бу сафарнинг самарали якунлангани билан табриклайди.

Расмий сафар чоғида икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларининг янада мустаҳкамланишига муносиб хизмат қилади.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда 1991 йилдан бошлаб фаолият кўрсатаётган «Ферростаал» бундан буён ҳам самарали ишлайверади.

«Ферростаал» фирмаси «Ўзавтойўл» учун йўл техникаси воситалари, мамлакат темир йўлларига 5 та вагон-ресторан, химия саноати учун техника воситалари, Тошкент шаҳар йўловчилари учун «MAN» русумли иккита автобус етказиб берди.

Бундан ташқари Ўзбекистонда бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш борасида қизғин фаолият олиб борилмоқда:

- **Навоий вилоятидаги «Қизилқумноёбметаллолтин» учун йилига 30 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган завод лойиҳаси;**
- **«Тошшаҳарйўловчитранс» учун 300 та «MAN» автобуслари;**
- **«Ўзбекнефтегаз» учун Тошкент шаҳрида автотранспортни суюлтирилган ва қисилган газга ўтказиш учун газ баллонлари аппаратлари ишлаб чиқарувчи завод қурилиши;**

«Ўзқурилишматериаллари» концернни учун Тошкент ва Бухоро шаҳарларида гипс ва гипс картон плиталари ишлаб чиқариш заводи қурилиши;

«Ўзиккиламчиметалл» бирлашмаси учун технология ускуналари етказиб бериш бўйича лойиҳалар шулар жумласидан бўлиб, бу ишларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

ЯПОНИЯ МАТБУОТИ

Кунчиқар мамлакат бўлмиш Япония нафақат иқтисодий соҳада, шунингдек, оммавий ахборот воситалари йўналишида ҳам ўзига хос ибратли йўлни босиб ўтган давлатдир. Япония газетачилигининг тарихи XVII асрга бориб тақалади. Дастлаб Осака шаҳрида «Кавабаран» деб номланган газета чиқа бошлаган. Японлар бу газетани ибтидоий усулда чоп этишган. Бу газета вақтлар ўтиб ҳар гал алоҳида номлар билан аталиб, аниқ бир воқеа-ҳодисага, мавзуга бағишланиб чиқа бошлаган.

Бугунги Япония матбуотининг чинакам сардори дейиш мумкин бўлган «Иомиури синбун» ҳозир 127 ёшда. Унинг ватани — Токио. Яқинда «Иомиури Синбун»нинг юбилейи нишонланди. Газета кунига 14 миллион 522 минг нусхада чоп этилгани учун 1994 йилда унга бу ҳақдаги гувоҳнома берилган ва ўз тиражининг кўплиги жиҳатидан Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га киритилган.

Японияниг яна бир ҳақиқий миллий газетаси «Иологама синбун»дир. У 1871 йилнинг 28 январидан чоп этила бошлаган. Ўша даврдаги газеталарда маҳаллий янгиликлардан ташқари, қизиқарли ҳикоялар, насрий асарлар эълон қилиниши билан характерли эди. Бугунги кунда Японияда 400 дан зиёд газета чоп этилади. Улардан 108 таси мамлакат бўйлаб тарқаладиган кундалик нашрлардир. Бундан ташқари мамлакатда 5 та минтақавий, 100 дан ортиқ ихтисослашган ҳамда 200 дан кўпроқ маҳаллий газеталар ҳам бор.

Мамлакатда «Иомиури синбун», «Асахи синбун», «Майнити синбун», «Нихон кейзай синбун», «Санкей синбун» каби газеталар умуммиллий ҳисобланади. Статистик маълумотларга қараганда, газеталар нусхаси кўплиги жиҳатидан АҚШ жаҳонда 2-ўринда турса, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса Германия 2-ўринда туради (ҳар минг кишига 306 нусха). Япония эса мана шу иккала соҳада ҳам дунёда 1-ўринда турар экан (кунига 72 миллион 410 минг нусхада газеталар чоп этилиб, ҳар минг кишига 576 нусхадан).

Агарда ўзбек матбуотига солиштирадиган бўлсак, Японияда 126.000.000 аҳоли учун 400 дан зиёд газета чоп этилса, Ўзбекистонда 26.000.000 аҳоли учун 500 дан ортиқ газета ва журналлар чоп этилади. Японияда бир таҳририятда 100 га яқин журналистлар, ходимлар ишласа, бизда бор-йўғи 10-15 та журналист ишлайди, холос. Лекин Японияда мамлакат бўйлаб тарқаладиган 108 та кундалик нашрлар мавжуд. Афсуски, бизда кам. Бу масалага жиддийроқ қараш керакмикан, деб ўйлайман.

■ **Мўмин ИБОДОВ,**
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети толиби

ИЕ, ЙЎҒ-Е, НАҲОТКИ?!

ОЛТИ ЁШЛИ РЕКОРДЧИ

Хитойлик олти ёшли Чжан Чухан исмли қизалоқ мусиқий асарларни ёддан ижро этиш бўйича жаҳон рекордини ўрнатди. У 57 дақиқа давомида донғи кетган бастакорларнинг 32 куйини пианинода тўхтатмасдан ижро этди. Ҳали боғча тарбияланувчиси ҳисобланмиш бу қизалоқда мусиқага қизиқиш етти ойлигида уйғонган. У ўша вақтда отасининг қўшиқларини бошини қимирлатганча мароқ билан тингларкан. Пианино чалишни эса тўрт ёшида ўрганган.

УЧ ТОННАЛИК ЧОЙНАК

Хитойлик усталарнинг санъатига қойил қолмай илож йўқ. Улар ярим йил давомида баландлиги 3, айланаси 1,8 метр келадиган чойнак ясашди. Дунёдаги энг катта бу чойнакнинг вазни 3 тонна келади. Баҳайбат идиш «Хитойнинг буюк аждари» деб номланди. Аммо бу чойнак нима мақсадда ишлатилади, деган саволга ҳеч ким жавоб бера олмаяпти.

БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИ

ДИНОЗАВРНИНГ СЎНГГИ АВЛОДИ

Дунёда сирли махлуқлар ҳали ҳам учраб туради. Ана шундай жонзотлардан бири Камерунда яшаркан. Уни топиш мақсадида америкалик тадбиркор Дэвид Уотзел экспедиция ташкил қилди. Дэвид ўтган йили Африкага сайр қилганида Боумба дарёси ёқасида истиқомат қилувчи одамлардан мазкур ҳайвоннинг дарагини эшитганди. Фанда бронтазавр номи билан маълум бу жониворни маҳаллий халқ «ликела-бембе» деб атайди. Дэвиднинг фикрича, бронтазавр динозаврларнинг сўнгги авлоди бўлиши мумкин.

DUSHANBA 9

TV 1

6.00 "Ассалом , Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Таҳлилнома".
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 "Баҳор васфи". Мусиқий дастур.
9.15 "Алпомиш". Мультфильм.
9.35, 12.35 ТВ-метео.
9.45 "Ранглар жилоси".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 ТВ-1 кинотеатри. "Суюнчи". Бадиий фильм.
11.15 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
11.40 Ўзбекистон дурдоналари. Телефильм.
11.50, 13.00 ТВ-анонс.
12.05 "Олам футболи".
12.40 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
13.10 "Наво таралсин". Мусиқий дастур.
13.25 "Олам". Телеальманах.
14.10 ТВ-1 намойиш этади.
14.25 "Соҳибқирон". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
15.45 ТВ-клип.
15.50 "Қишлоқ ҳаёти".
16.05 "Болалигим -гулбаҳор".
16.25 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Кошона".
17.05 "Куйла, ёшлигим".
17.15 "Ўзбекистон фуқароси".
17.30 Экранда -телесериал. "Индаба".
18.10 "Суғурта".
18.25 Мусиқий альбом.
18.35 "Бахтли воқеа". Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50, 22.55 ЭЪЛОНЛАР
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Биржа ва банк хабарлари".
20.30 "Ахборот".
21.05 Санъат усталарининг концерти.
21.55 "Маънавият" дастури.
23.00 "Ахборот".
23.35 Тунги сеанс. "Тошда ҳам дарахт ўсади". Бадиий фильм. 1-қисм.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр тонги".
10.00 "Янги авлод" студияси: "Ўй вазифаси".
10.20 "Саломатлик сирлари".
10.40 "2000 йилдан сўнг". Телесериал.
11.00 "Давр". Ҳафта ичида.
11.40, 13.30, 15.40, 16.55 "Мусиқий лаҳзалар".
11.50 "Темурнома": "Соҳибқиронинг туғилиши".
12.10 Олтин мерос.
12.20 "Машраб". Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
13.15 Автосалтанат.
13.40 "Машраб". Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
14.30 "Баҳор лавҳалари". Манзарали фильм.
14.40 Ёшлар куйлайди.
14.50 "Жаҳон жуғрофияси": "Ҳаёт мароми".
15.50 Болалар экрани. "Диққат: шаҳарда сехргар".
17.05 "Спорт ҳафтаномаси".
17.20 Хоразм телевидениеси тақдим этади: "Наврўз шодиёналари".
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 "Янги авлод" почтаси.
18.05 "Самовий саргузаштлар". Болалар учун телесериал. 1-қисм.
18.30 "Темурийлар тарихи давлат музейи" ("Ўзбектелефильм")
18.45 "Оқшом наволари".
18.55, 21.55 "Иқлим".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс ва Эколаш латифалари".
19.35 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. "Алишер Навоий". Видеофильм. 1-қисм.
20.05 "Ёшлар овози".
20.25 Ёшлик наволари.
20.35, 21.25, 22.30 ЭЪЛОНЛАР
20.40 "Ёшлар" телеканалида премьера. "Бойлик изтироби". Бадиий фильм. 1-қисм.
21.30 "Соҳибқирон ёди..."
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
